“МУНОЖОТ” АСАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАРЖИМАЛАРИ ТАЖРИБАСИДАН

Х. Раҳимов, ЎзДЖТУ профессори

Аннотация: *Мазкур маъруза теисларида асосан Алишер Навойининг асарлари ва унинг “Муножот” асарининг хорижий тилларга таржималари ҳақидаги танқидий фикр*мулоҳазалар ҳамда Муножот асарининг чет тилларга таржималари ҳақидаги лойиҳа мухтасар баён қилинган*.

Калит сўзлар: *Муножот, Хамса, бу асарларга танқидий фикрлар, таржима, табдил*

Алишер Навоийнинг “Муножот”и – жаҳон адабиётининг буюк асарларидан деб эътироф этилишга лойиқ асар. У мусулмон Шарқ адабиётида анъанавий ўзига хос жанр ҳисобланади. Буюк адибларнинг Аллоҳга яқин бўлганликлари сабаби ҳаёти поёнини сезган маҳалда ўз ҳаёти ва ижоди ҳақида Аллоҳ олдида ҳисобот бериб, шу пайтгача ҳеч кимга изҳори дил қилмаган, ўзидан ўзгага сир бўлган ҳолати, дил изҳори ва иқрори, тавба-тазаррусини ёзиб қолдириши мумтоз адабий жараёнга хос ноёб ва гениал ҳодиса ҳисобланади.. Бундай ҳолатни италянлардан Алигйери Данте, олмонлардан Йоҳанн Волфганг Гёте, руслардан Лев Толстой ўз бошидан кечирганлар. Аммо улардан аввал Аврелий Августин, форс шоири Абдуллоҳ Ансорий, туркийзабон Юнус Эмро, Аҳмад

Яссавий ва Алишер Навоий ўз муножотлари матнини мустақил асар сифатида ўз куллиётларига сўзбоши ёки илова тарзида мустаъқил асар сифатида ёзиб қолдиришган.

Амир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди рус олимлари Е.Э.Бертелс, Н.И.Конрад, олмон олимларидан М. Ҳартманн, Ҳ. Вамбери, З. Клайнмихел, В.Перч, А. Курелла, Б. Келлнер-Ҳайнкеле), Францияда Э.Блоше, Б. де Вербело, Француа де Бернйе ва бошқалар томонидан теран таҳлил этилган. Ўзбекистонда эса бутун бир Навоийшунос олимлар авлоди – Ҳамид Сулаймон, Абдуқодир Ҳайитметов, Азиз Қаюмов, Воҳид Зоҳидов, Суйима Ғаниева, Иброҳим Ҳаққул, .Исҳоқов, Абдулла Аъзам, Шуҳрат Сирожиддинов, Олимжон Давлатов, Султонмурод Олим, Нусратилла Жумахўжа, Сувон Мели, Зухриддин Исомиддинов ва бошқап тадқиқотчилар шаклланиб улгурди.

Бу саъй-ҳаракатлар ва изланшларнинг умумий томонлари билан бирга, айрим фарқли хулоса ва натижалари ҳам кўзга ташланади. Ҳазрат Навоий Афғонистонда туғилиб ўсган ва асосий умри-ю ижоди ўша маконда ўтган бўлса-да, ўзбек шеърияти султонининг кенг қамровли ҳаёти ва серқирра ижоди ҳақидаги тадқиқотлар асосан Ўзбекистонда амалга оширилиб келинмоқда.

Бироқ ҳазратнинг фуқаролиги ва миллий мансублиги масаласида чет эл, хусусан Олмонияда афғон, туб миллати ўзбек эмас, балки уйғур дегувчилар бор (Ингеборг Балдауф). Алишер Навоийнинг бош асари „Хамса“ хусусида ҳам айрим гайри-илмий фикр-мулоҳазалар йўқ эмас. Чунончи Навоий қаламига мансуб „Хамса“ достонлар мажмуасини гоҳ Низомий „Хамса“сидан таржима, гоҳида эса бошқа „Хамса“лар (Низомий, Деҳлавий, Жомий)га тақлид деган жиддий илмий таҳлилларга асосланмаган чалкаш ва нотўғри хулосалар ҳам борки, бу ҳолат илмий жамоатчиликни ҳайрон қолдиририб, ёш олимларни тўғри йўлдан оздириши мумкин.

Худди шундай турли фикрлилик ҳазратнинг умри поёнида битилган „Муножот“ асари ҳақида ҳам учрайди. Айримлар бу асарни Алишер Навоий тириклигида ўзи раҳбарлигида яратилган „Куллиётга“ Кириш сўз деб қарашса (О. Лаванд, Ҳ. Сулаймон), бошқалар бу фикрга қўшилмай (С. Ганиева, А. Аъзам), “Муножот”ни ноёб мустаъқил асар сифатида баҳолашмоқда.

Ўзбекистонда Алишер Навоий ижоди қанчалар қамровли ўрганилиб, ҳазратнинг турли танланган асарлари ва антологиялари яратилмасин, уларда ХХ аср ўрталаригача Навоий ижодига мансуб Муножот асари ҳақида ҳеч гап айтилмаган эди. Ўтган асрнинг 60-70 йилларида аввал Ҳамид Сулаймон, кейинроқ Суйима Ғаниева каби адабиётчиларнинг чет эл сафарлари бошланиб, шунда Ҳазрат Навоийнинг қаламига мансуб мутлоқ янги асар – “Муножот” илк бор кашф қилинган. У Ўзбекистонда биринчи марта «Ёшлик» журналида (1990, 6-сон. Нашрга тайёрловчи С. Ғаниева), кейин эса, «Боқий сатрлар» сериясида 1991 йилда алоҳида араб ва кирилл ёзувида (С. Ғаниева), рус тилида С. Ғаниева таржимасида Москвада нашр этиладиган «Литературная газета»да, шунингдек инглиз, олмон, француз, испан, араб, ҳинд, форс, урду, дари тилларида ҳам чоп этилган («Ўзбекистон» журнали, 1990, 11-12-сонларига қаранг). Мазкур асарни Суйима Ғаниева 1991 йилда эълон қилган ва „Шарқ“ нашриётида сувенир китоб шаклида чоп эттирган. Унда асарнинг араб ёзувидаги эски ўзбекча матни ва шу матннинг Суйима Ғаниева ижросидаги ҳозирги ўзбек тилга амалга оширилган табдили, аслиятнинг Суйима Ганиева томонидан русча таржимаси ва шу рус тилидаги вариантдан ўгирилган олмонча (Дора Баклитская), инглизча (Н. Гоголицина) ва форсийга ағдарилган таржималари жой олган.

Орадан бироз вақт ўтгач 1991 йилда Ғ. Ғулом нашриётида шу асарнинг Суйима опа нашрга тайёрлаган варианти ҳам чоп этилдики, бу икки нашр адабиётшуносларнинг эътиборини ўзига қаратиб, мазкур аср танқиди ва таҳлилига

бағишланган илмий ва илмий-оммабоп тадқиқотлар амалга оширила бошлади. Айниқса асли математика олими бўлган академик Абдулла Аъзамнинг асар шарҳи ва табдилидан иборат рисоласи, Сувон Мелининг каттагина қиёсий-таҳлилий мақоласи, шу асарнинг ёзувчи Музаффар Мирзо, Зуҳриддин Исомиддинов ва бошқалар бажарган янгича ўзбекча табдиллари жамоатчилик эътиборига туша бошлади.

С. Ғаниева “Муножот”нинг ёзилиши сабаблари ҳақида ҳам сўз юритиб шундай дейди: “Маълумки, Навоий ҳаётининг охирида бирмунча йиллар аввал юраги тубидан ўрин олган ҳаж сафари иштиёқи яна оловланади. У 1499-1500-йиллар давомида бир неча марта бевосита ва билвосита – яқинлари орқали Ҳусайн Бойқародан ҳаж сафарига изн сўрайди. Ҳар гал султон аввалига ижозат берар, лекин дарҳол ўзи шахсан шоир ҳузурига ташриф буюриб, сафарни қолдиришга кўндириб қайтар ёхуд энг нозик дўстларни орага қўйиб шоирни аҳдидан қайтаришга муваффақ бўлар эди. Навоийнинг “Вақфия”да ёзишича, “икки орзу риштасидан (бири ҳаж, иккинчиси – ижод – С.Г‘.) ўзгаким, гириҳи кўнглум пардасидин ечилмади ва икки мурод ғунчасидин ўзгаким, тугуни жоним гулшанидин очилмади:

Мениким бу савдо низор айлади,
Ҳавас илгида беқарор айлади.
Не имонки, топқай қарор-у сукун,
Бировким, бу фикр этгай они забун”.

Бу орзуси рўёбга чиқмаслигига кўзи етган чоғларида Навоий руҳий азоблар гирдобида қолар, ҳар қандай расмий, норасмий давлат юмушлари-ю мадад истаб келувчилардан ғоят толиқар эди, албатта. “Муножот”даги “Илоҳи, эмди ҳамким, барчадин кечмак хаёлин қилурмен, ўзлугум билан кеча олмон яқин билурмен. Илоҳи, андоққи, бу балоларга солдинг, қутқор ва андоққим, бу ибтилоларга киюрдунг, чиқор”, дея илтижо қилиши шоирнинг юқорида ёдга олинган тушкун кайфиятидан дарак беради. Шу билан бирга ҳаммадан воз кечиш мумкин ва осон, лекин “ўзлуги”дан кечиш мутлақо мумкин эмас, бу аниқ. Бинобарин, “ўзлук”ни муқаддас сақламоққа, уни таҳлика ва лоқайдликлардан халос этмоққа интилиш ниҳоятда зарур, деган шоирнинг юксак эътиқодини юзага чиқаради”.

Ҳазрат Навоийнинг “Муножот” асари ҳақида тўлиқроқ тасаввур олиш учун махсус мақола ёзган адабиётшунос олим Сувон Мелининг “Муножот поэтикасида қиёс” номли мақоласи билан ҳурматли китобхонлар танишиб чиқишларини истар эдик. Олим ўз мақоласида “Муножот” асари ҳақида нисбатан батафсил қиёсий филологик таҳлил тақдим этади (Қаранг: С.Мели: “Сўзу сўз”.Тошкент, ШАРҚ. 2020.).

Камина ушбу буюк асарни олмон тилига ўгиришга киришиб, шунга такрор амин бўлдимки, мумтоз адабиётимиз, айниқса Алишер Навоийдек бетакрор сўз устаси ва мутафаккир зотининг тили ва услубини тушуниш ва қайта яратиш ғоят мураккаб ва машаққатли жараён. Бундай асарларни идрок этиш учун тасаввуф таълимоти ва амалиётини жиддий ўрганиш кераклиги аён бўладики, камина бу машаққатли босқични Алишер Навоий ғазалиётидан таржималар қилганимдаёқ чуқур ҳис қилганман ва ҳазрат таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб унинг 300 ғазалини олмон тилида ғазал шаклда “қайта яратишга” журъат қилдим (бу таржималаримнинг 100 таси 2021 йил “Адабиёт” нашриёти чоп этди ҳам). Бу китобим ўша йилнинг ўзидаёқ Олмониядаги Ўзбекистон элчихонаси ташаббуси билан Берлин ва Фрайбург шаҳарларида икки бор қайта нашр эттирилиб, олмонзабон ўқувчиларга тарқатила бошланди. Шундан сўнг ушмамиз мега навбатдаги таржимангиз Навойининг Хамсаси бўлсин, дейишди. Бундай мушкул ишни бажаришни ўйласам, бу корга каминанинг на ақли, ва на умри етмаслигига амин бўлиб юрганимда, олмониялик туркшунос олимлар менга

“Навоийнинг энг буюк асари “Муножот” ҳисобланади, Сиз шуни таржима қилинг”, деб тавсия этишганди.

Бундай бетакрор асарни Алишер Навоийнинг 2026 йилда нишонланадиган 585 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Тошкент давлат Шарқшунослик университетида ўқитилаётган 20 га яқин чет тилларга ҳам таржимасини қилиш таклифи билан ректоримиз Илҳомжон Тухтасиновга мурожаат қилдим. Инновatив таклифларни ҳамиша очиқ чеҳра билан қабул қиладиган, ўзи таржимашунос раҳбаримиз бу ғояни маъқуллаб, универсиитетдаги тегишли мутахассисларга топшириқ бердилар. Таржимага рағбати бор ҳамкасбларга биз Алишер Навоийнинг “Муножот” асарини адабиётшунос олима Суйима Ғаниева тайёрлаган табдилини аслият сифатида тарқатдик ва маълум фурсатдан сўнг улардан таржималарни қабул қилиб олдик. Қизиғи шуки, айрим чет тилларга аслиятнинг бир неча таржима вариантлари, жумладан: инглиз, олмон ва рус тилларига 3 тадан, француз, испан ва шарқ тилларига 2 тадан таржималар тақдим этилди. Бу алтернатив таржималарнинг энг адекват вариантини танлаб олиш учун шу тиллардан тилшунос ва таржимашунослардан экспертлар комиссияларини ташкил қилдик. Натижада нисбатан аслиймонанд таржималар аниқланди ва бўлажак таржималар мажмуаси вужудга келди. Мазкур амалиёт дастлабки уриниш бўлгани сабабли уларда бир тарафдан лисоний (семантик ва услубий) хато ва нуқсонлар, бошқа тарафдан тасаввуфий термин ва тушунчалар талқинида англашилмовчилик бўлиши табиий ҳолатки, жаҳон таржимачилигида фақат Гётенинг шоҳасари Фаустни инглиз тилга 51, фаранг тилига 27, рус тига 11, ўзбек тилига 2 та таржимавий уринишлар содир бўлганки, Навойининг тасаввуфона асарлари такрорий таржималари пайдо бўлишини ҳам табиий ҳол деб билсак бўлади. Мақсадимиз – Алишер Навоий феноменини жаҳоннинг асосий тилларида имкон қадар адекват ва муқобил тарзда қайта яратиш ҳамда ул ҳазратга тобора яқинлашиш орқали миллий адабиётимиз султонини жаҳон адабиёти саҳнасида бор бўй-басти, салоҳияти билан кўрсатиш - 21 аср таржимачилигимизнинг асосий долзарб вазфаларидан деб биламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сирожиддинов Ш. Алишер Навойи феномени. Т., 2025.
2. Аъзам А. Муножотга шарҳлар. Т. 1992.
3. Мели С. Сўзу сўз. Т. 2012
4. Ғаниева С. Боқий сатрлар. Т. 1991.
5. Рахимов Х. 21 аср таржимачилигининг долзарб масалалари. Маърифат газ. 2025 ибль сонлари.